O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 2 март, № 41 (3586) Чоршанба

Мамлакатимизнинг кенжа туманларидан бўлган Фурқат туманида ҳам кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

2004 йилнинг сентябрь ойидан ўз фаолиятини бошлаган ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи туман ҳудудида қад кўтарган навбатдаги улкан кошоналардан биридир. Ҳозирда мазкур билим даргоҳида банк иши, солиқ ва солиққа тортиш, ҳуқуқшунос-иқтисодчи, молия, бошланғич синфларда жисмоний тарбия ўқитувчиси, болалар ва хотин-қизларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш йўналишларида 600 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Коллежнинг энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлангани бу ерда таълим сифатини ошириш омилига айланди.

СУРАТЛАРДА: коллеж биносининг ташқи кўриниши; инглиз тили ўқитувчиси Ёқутхон Қодирова машғулот пайтида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Маҳалланинг мавқеи қандай?

Кеча Қонунчилик палатасида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчиликнинг аҳволи ва истиқболлари" мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги маҳаллалар раислари, фаоллар, олимлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидовнинг ҳамда республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси А. Гадойбоевнинг маърузалари тингланди.

Аёнки, эркин фуқаролик жамиятининг асосини нодавлат ташкилотлари ташкил этади. Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида эса ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлаганди. Шу боис, анжуман иштирокчилари ҳокимият ваколатларининг муайян қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ҳамда янги қонунлар ишлаб чиқиш бўйича ўз фикрларини билдирдилар.

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун рақобат муҳитини яратиш — бош мақсадимиз» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тўсиқлар бартараф этилади

Мазкур қўмита раиси Ж. Сайфутдинов бошқариб борган ушбу тадбирда мамлакатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, рақобат сиёсатининг самараси ва таъсирчанлигини кучайтириш борасида ахборот воситаларининг ролини янада ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидландики, табиий монополия соҳаларида рақобат муҳитининг шаклланишига бир қатор субъектив кўринишдаги тўсиқлар ҳанузгача сақланиб қолаётгани ўз таъсирини кўрсатмоқда. Мисол учун, алоқа, коммуникация, электр ва иссиқлик қуввати, темир йўл тизимида рақобат муносабатларини ривожлантириш бугунги кун талабига жавоб бермайди. Ҳолбуки, мазкур тармоқларда рақобат муҳити яратилган тақдирда сарф-харажатларни кескин камайтириш имкониятлари мавжуд.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи монопол тузилмаларда (МТП, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотида ҳам рақобатга зид ҳаракатлар, яъни монопол юқори нархларни белгилаш, тенг бўлмаган шартларни мажбуран қабул қилдириш, кичик бизнеснинг бозорга киришига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Матбуот анжуманида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси назорат қилувчи эмас, балки мамлакат иқтисодиётида соғлом рақобат муҳитини шакллантирувчи ва уни қўллаб-қувватловчи бош орган, шунингдек, кичик бизнеснинг ривожланишига кўмаклашувчи давлат идораси эканлигини кенг аҳолига тушунтириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўз мухбиримиз.

ҲАЁТИМИЗ ЧИРОҒИ, УМРИМИЗ ГУЛИ

Хотин-қизлар — ҳаётимиз гуллари, хонадонимиз чироғи. Аёл бор жойда гўзаллик бўлади, аёл бор жойда ораслик, саранжом-саришталик, тартиб-интизом, ҳаё-ибо бўлади. Энг асосийси, аёл — ҳаёт давомийлигининг бош омили. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат ва мамлакатнинг маданияти даражасини аёлларга эътибору муносабат билан белгилайдилар.

Халқимизнинг аёлларга нисбатан ғамхўрлиги, эътибор ва эъзози ҳар қандай миллат ва халқ ҳавас қилса арзигуликдир. Ҳеч бир мамлакатда хотин-қизларга эътибор, эҳтиром бизнинг юртимиздаги каби баланд эмас, десак адашмаймиз. Хотин-қизларнинг жамиятдаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеини, нуфузини кўтариш ҳақида давлатимизда барча ҳуқуқий асослар яратилган. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу соҳада алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижросини таъминлаш учун барча вилоятларда, шаҳарлар, туманларда, ҳар бир ташкилотда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу, аввало, аёлларнинг соғлиғи, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ юмушлардир. Зотан, соғлом она — бу соғлом бола, демакдир. Соғлом бола эса ўзўзидан соғлом келажакдир. Бинобарин, келажакда буюк давлат барпо этишга бел боғлаган эканмиз, бугунги авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом, ҳар жиҳатдан етук бўлишига алоҳида аҳамият бермоғимиз лозим.

Юртбошимизнинг "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" деган машҳур таърифи замирида теран маъно бор. Биз буюк аждодларимиз билан қанчалар фахрлансак, бугунги авлод билан ҳам шунчалар фахрланишга ҳақимиз бор. Зеро, бугунги ўзбек ёшлари бобомерос юксак маданияти, ноёб истеъдоди ва қобилияти, етук салоҳияти билан турли соҳада дунё аҳлини лол қолдирмоқда. Бунга илм-фан, маданият, спорт ва санъат, бошқа кўплаб соҳалардан истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Биргина Рустам Қосимжоновни олайлик. Эҳтимол, спортнинг бошқа соҳаларида ютуқларга эришиш у қадар қийин эмасдир. Аммо шахмат бўйича халқаро гроссмейстер, жаҳон чемпиони бўлиш — айтишгагина осон. Чунки шахмат — ақл-заковат ўйини. Бунинг учун инсонда ақлий салоҳият чегарасиз бўлмоғи лозим. Қайсики миллат фарзанди шахмат бўйича жаҳон чемпиони даражасига чиққан бўлса, бу — ўша миллат ақл-заковатининг, интеллектуал салоҳиятининг намойиши деганидир. Шу маънода, Р.Қосимжонов ўзбек миллатининг ақлий салоҳияти нақадар юксак эканини дунё саҳнида яна бир бор исботлади.

Бу бежиз эмас, бунинг таг-замини бор. Жаҳон математика илмининг асосчиси ал-Хоразмий, дунё табобатининг отаси ҳисобланмиш Ибн Сино (медицина сўзи "мадади Сино" иборасидан келиб чиққан деган гапда асос борга ўхшайди), уммон ортида ҳаёт (мамлакат) борлигини илк бор айтган Беруний, коинот сирини кашф этган ва юлдузлар жадвалини тузган Мирзо Улуғбек — бизнинг боболаримиз. Уларнинг кашфиётлари ҳалиҳануз дунё олимлари томонидан ҳайрат ва ҳаяжон ила ўрганиб келинади.

(Давоми 2-бетда).

СУСТКАШЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби аъзолари иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, 2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига оид масалалар юзасидан жойларда тадбирлар белгиланмоқда.

ФАРҒОНА

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Фарғона вилоятини 2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари масалаларига бағишланди.

Вилоят ҳокими Ш.Нурматов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, ўтган йили вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муайян ютуқлар кўзга ташланди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 104,9 фоиз бажарилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда самарали натижалар қўлга киритилди.

Шу билан бирга, ўтган йили иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Ўн саккизта саноат корхонаси йилни зарар билан якунлаганининг ўзиёқ вилоят иқтисодида мавжуд муаммоларни ҳал этишга жиддий ёндашиш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

ХОРАЗМ

Урганчда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Шаҳар ва туманлар ҳокимлари, йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар, хўжаликлар, банклар, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва хайрия жамғармалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Раҳимов бошқарди.

Йиғилишда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Биргина ўтган йили кичик бизнес соҳасида 27 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Айни пайтда ушбу тармоқда вилоятдаги ишга лаёқатли аҳолининг 60 фоизга яқини меҳнат қилмоқда.

Бироқ тадбиркорларга эътибор ва ёндашув ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Тадбиркорларга муносабат уларнинг иқтисодиётни ривожлантириш ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасидаги ўрни ва қўшаётган ҳиссасига кўпинча мос келмаяпти.

2004 йилда зарар кўриб ишлаган қишлоқ хўжалиги ширкатлари негизида 1100 янги фермер хўжалиги ташкил этилди. Шу билан уларнинг умумий сони деярли 8 баравар кўпайди. Ҳозир вилоятда етиштирилаётган жами пахтанинг 40 фоиздан ортиғи ва бошоқли экинларнинг қарийб учдан бир қисми ферермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу билан бирга, йиғилишда фермер хўжаликларини ташкил этишда, чунончи, уларга ер ажратишда аввалгидек расмиятчилик, маҳаллийчилик ва шу каби бошқа салбий ҳолатларга ҳали-ҳануз йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Тўхтаев сўзга чиқди.

ЎзА.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ — 2005

Пойтахтимиздаги «Пахтакор», «Жар» ва МҲСК стадионларида 22 февраль — 1 март кунлари футбол бўйича мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган Тошкент халқаро турнири бўлиб ўтди.

Соврин Тошкентда қолди

Ўзбекистон Футбол федерацияси ва «Пахтакор» жамоаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган бу мусобақада Латвиянинг ўн тўрт карра чемпиони «Сконто», Арманистоннинг етти карра чемпиони «Пюник», мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор», кумуш медал совриндори «Нефтчи», Ўзбекистон Олимпия ва Беларусь ёшлар терма жамоалари ғолиблик учун баҳс юритдилар. Ушбу турнир, айниқса, мамлакатимизда футболга берилаётган эътибор ўз самарасини бераётганлигини кўрсатди.

Халқаро турнирнинг юқори савияда ташкил этилиши меҳмонларда ҳам яхши таассурот қолдирди. Сунъий майдонларда машғулотларда қатнашган футболчилар янги мавсум арафасида илк бор табиий майдонларда тўп суришди. Мутахассислар МДҲ чемпионлар кубогини Тошкентда ўтказиш учун имкониятлар етарли эканлигини таъкидлашди.

Кеча халқаро турнирнинг финал учрашуви бўлиб ўтди. Унда «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўзаро куч синашдилар. Қизғин курашлар остида ўтган беллашувда мамлакатимиз чемпиони 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ташкилотчилар томонидан «Пахтакор» 50 минг, «Нефтчи» 25 минг, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси 15 минг, «Сконто» 10 минг АҚШ долларига тенг миқдорда мукофот билан тақдирланди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз, ташкилотчилар томонидан етарли даражада реклама қилинмаганлиги сабабли шундай халқаро турнир деярли бўш стадионларда ўтди. Ҳолбуки, шунча футбол юлдузлари иштирок этган учрашувлар қанчадан-қанча мухлислар учун чинакам спорт байрамига айланиши мумкин эди.

Рақиблар тан бермоқда

Испаниянинг Линарес шаҳрида бўлиб ўтаётган шахмат бўйича йилнинг нуфузли супертурнири қизғин паллага кирди.

Йигирма етти йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада ҳамюртимиз — ФИДЕ йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов илк бор иштирок этаяпти. Рустам олтинчи турда мусобақанинг 2003 йилги ғолиби, венгриялик Петер Лекога қарши дона сурди. Ва бу учрашувда ҳам дуранг натижага эришди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Рустам иккинчи турда Каспаров, тўртинчи турда эса Ананд сингари тажрибали гроссмейстерлар билан, улар оқ доналарда ўйнашига қарамай, тенгма-тенг кураш олиб борди. Ҳамюртимизнинг ҳар бир ўйини ҳақида мутахассислар илиқ фикрлар билдиришмоқда. Каспаров таъбирича, қийин вазиятлардан чиқиб кета олишда Рустамга тенг келадигани йўқ.

Олтинчи турда жаҳон шахмат таснифида биринчи ўринни эгаллаб турган Гарри Каспаров ва иккинчи ўринда бораётган Вишванатан Ананд ўртасидаги баҳс ҳам қизиқарли кечди. Халқаро гроссмейстерлар 48-юришда дурангга имзо чекдилар. Олтинчи турдаги ягона ғалабага жаҳон таснифида учинчи ўринда бораётган болгар Веселин Топалов эришди. У испаниялик Франсиско Вальехони мағлубиятга учратди.

Турнир жадвалида беш ўйиндан 3,5 очко жамғарган Гарри Каспаров пешқадамлик қилмоқда. Вишванатан Ананд, Веселин Топалов (беш ўйин) ва Рустам Қосимжонов (олти ўйин)лар 3 очко билан кейинги ўринларни банд этишган. Петер Леко (беш ўйин) 2,5 очко, Франсиско Вальехо (беш ўйин) 1 очко жамғарди.

Рустам Қосимжонов иккинчи даврадаги биринчи ўйинни 3 март куни испаниялик Франсиско Вальехога қарши ўтказади. Умид қиламизки, ҳамюртимиз иккинчи давра ўйинларида мухлислари кутган натижага эришади. Чунки у иккинчи даврада асосий рақиблари Каспаров ва Анандга қарши оқ донада ўйнайди.

Шахмат мухлислари учун яна бир янгилик. Тбилисида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Кенгаши йиғилишида мутлақ жаҳон чемпионлиги учун мусобақани ўтказиш санаси эълон қилинди.

Мусобақани жорий йилнинг октябрь ойида ўтказиш режалатирилган. Унда амалдаги жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов, ФИДЕ рейтингида юқори ўринларни эгаллаб турган Гарри Каспаров (Россия), Вишванатан Ананд (Ҳиндистон), Веселин Топалов (Болгария), Владимир Крамник (Россия), Петер Леко (Венгрия), Александр Морозевич (Россия) ва Майкл Адамс (Англия) ўртасида икки даврали ўйинлар ўтказилади. Ғолиб мутлақ жаҳон чемпиони, деб эълон қилинади. Мусобақани ўтказишга Тбилиси (Грузия), Элиста (Россия), Ереван (Арманистон) ва Сингапур шаҳарлари даъвогарлик қилишмоқда. Мутасаддилар мусобақа мукофот жамғармаси 500 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслигини айтишмоқда. Мусобақага таклиф этилганлардан бирортаси мутлақ чемпионлик баҳсида қатнашишдан бош тортса, унинг ўрнига рейтинг жадвалида кейинги ўринда бораётган шахматчи иштирок этади.

Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ.

Хабарлар оқимидан

«Элита» — фермерлар хизматида

«Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли «Элита» корхонаси вилоятдаги фермер хўжаликларига 7600 тонна уруғлик чигит тайёрлаб бериш мажбуриятини олган. Фермер хўжаликлари эҳтиёжларига кўра, уруғлик чигитнинг 5 минг тоннаси туксизлантирилиши лозим.

Айни кунларда пахта тозалаш корхоналаридан келтирилаётган чигитни туксизлантириб, дорилаш жараёни давом этмоқда. Уруғликка «Бранапол», «Ҳимоя» ҳамда «Витарос» препаратлари билан ишлов берилиб, у махсус омборларда сақланмоқда.

Мутахассислар чигитнинг намлилик, шикастланиш даражасини ҳам алоҳида назоратга олишган. «Элита» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига келтирилган янги, замонавий жиҳозлар юқоридаги жараёнларни тез ва сифатли ўтказиш имконини бермоқда. Бу эса жамоанинг кўшни вилоятлардан ҳам буюртма олишларига шароит яратди. Мавсум бошлангунга қадар бошқа вилоятларга ҳам 2 минг тоннадан зиёд сара уруғлик етказиб бериш кўзда тутилган.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яна ўн саккизта автобус

Бундан икки ой аввал Наманган шаҳри кўчаларини тўлдирган «Отойўл» автобуслари сафига Россия Федерациясининг Павлов автозаводида ишлаб чиқарилган яна 18 та автобус қўшилди. Лизинг йўли билан келтирилган мазкур транспорт воситалари молиявий жиҳатдан оғир ҳолатга тушиб қолган «11-автобус саройи» ҳиссадорлик жамиятида аҳволни яхшилаш имконини беради.

Мутахассисларнинг айтишига қараганда, автосарой энг охирги машиналарни бундан ўн йил аввал сотиб олган бўлиб, уларнинг аксарияти яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Янги автобуслар келтирилиши билан мажбурий таътилда юрган ҳайдовчиларнинг катта қисми жонажон корхонасига яна қайтишди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲАЁТИМИЗ ЧИРОҒИ, УМРИМИЗ ГУЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ана шундай буюк зотларнинг авлодлари буюк кашфиётлар қилмаслиги, ўз миллати номини, шон-шуҳратини оламга ёймаслиги мумкин эмасди. Бунинг учун шароит, ғамхўрлик, кўмак зарур эди. Шукурлар бўлсинки, истиқлолга эришганимиздан кейин ана шундай имконият, шароит пайдо бўлди. Миллат шаънини, ғурурини тиклаш ва кўтариш мустақиллик ғоясининг бош мақсадларидан бири сифатида ўртага ташланди. Бу ғоянинг, бу ташаббуснинг ижодкори ҳам, раҳнамоси ҳам Президент Ислом Каримовдир. Мамлакатимиз раҳбари истиқлолга эришмасимиздан анча олдин бу масалаларни дадил кўндаланг қўйди. Ҳали шўро салтанати қиличини ўйнатиб турган замонларда Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Мустақиллик декларацияси қабул қилинди, Наврўз байрами тикланди, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари расмий равишда байрам сифатида нишонлана бошланди.

Аслида, мустақилликка эришиш учун ҳаракатлар ўша пайтлари бошланган эди. Бошқача айтганда, 1991 йил 31 августда расман эълон қилинган мустақиллигимизнинг пойдевори анча илгари қўйилган эди. Бу улуғвор ишларнинг ташаббускори ва илҳомчиси бўлган давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йилларида "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак" деган шиорни олға сурди. Ўз фаолиятида бу қоидага қанчалик амал қилган бўлса, бошқалардан, хусусан, катта-кичик раҳбарлардан ҳам шуни талаб қилди. Бугун бу эзгу амалнинг самарасини наинки ўзимиз, дунё аҳли ҳам кўриб, эътироф этиб турибди.

Истиқлолга эришганимиздан кейин барча орзуниятларимизни рўёбга чиқариш учун кенг имконият вужудга келди. Ўн тўрт йил ичида эришган ютуқларимиз, амалга оширган ишларимиз салмоғи ва кўлами жиҳатидан асрларга татигуликдир. Бу — қурилишбунёдкорлик, илм-фан, маданият ва санъат, иқтисодиёт — барча соҳага бирдек тааллуқли. Мамлакатимизнинг, халқимизнинг бу қадар гуллаб-яшнагани, ўзлигини тўла намоён этгани, дунё халқлари ўртасида ўзининг ҳақиқий ўрни ва мавқеига эга бўлгани шу пайтга қадар буюк соҳибқирон Амир Темур даврида рўй берганига олис тарихимиз гувоҳ. Дарвоқе, Амир Темур бобомизнинг номини тиклаган, Соҳибқирон шон-шавкатини жаҳон тарихидаги ўз ўрнига қайтарган ҳам Ислом Каримов бўлади.

Юртбошимиз раҳбарлигида биз буюк ўтмишимизни тикламоқдамиз, бугунги кунимизни, айни чоғда буюк келажагимизни яратмоқдамиз. Истиқлолнинг илк йилларидан бошқа соҳаю масалалар каби хотин-қизларга эътибор ва ғамхўрлик устувор вазифалар қаторидан ўрин эгаллади. Эндиликда аёлларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида эркаклар билан ёнма-ён, тенгма-тенг меҳнат қилмоқдалар. Эришилган ютуқларда уларнинг ҳиссаси салмоқли.

Икки палатали парламентга ўтган сайловни эслайлик. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар умумий сонида хотин-қизларнинг иштироки ўттиз фоиздан кам бўлмаслиги расман белгилаб қўйилди. Дастлаб бундай ёндашув ва тартибга беписанд қараганлар, халқаро андозаларга тўғри келмайди, деганлар ҳам бўлди. Аммо бу тартибнинг тўғрилигини ҳаёт исботлади. Сайлов жараёнини кузатиш учун келган кўплаб хорижлик мутахассислар буни эътироф этишди. Эндиликда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган бу қоидани қўллаётган мамлакатлар бор. Ўйлайманки, улар сафи янада ошади.

Хўш, халқаро андоза дегани нима ўзи? Бу андозалар қаердан пайдо бўлган? Табиийки, ҳеч бир андоза тайёр ҳолда осмондан тушмаган. Бугун дунё халқлари, мамлакатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар асос қилиб олган андозаларни ҳам қачондир, кимлардир яратган. Аста-секин бошқаларга ҳам маъқул келиб, дунё узра ёйилган ва халқаро андоза сифатида тан олинган.

Энди ўйланг: депутатликка сайловларда хотин-қизларнинг иштироки 30 фоиздан кам бўлмаслиги ҳақидаги бизнинг тартибимизни бугун бошқа давлатлар ҳам жорий этаётган экан, маълум йиллар ўтиб, бу қоида дунё бўйлаб тан олиниши ва халқаро андоза сифатида қабул қилиниши мумкин эмасми?! Мумкин! Бизга демократияни ўргатмоқчи, ўз маданиятини илғор маданият сифатида бизга ҳам сингдирмоқчи бўлаётганлар, агар чиндан ҳам ҳақиқий демократ, илғор маданият соҳиби бўлса, бу тартиб-қоидани ўз мамлакатларида жорий этмоқлари керак. Чунки демократия фақат қоғоздаги чиройли сўзлардан ёки қуруқ гапдан, маданият эса шарм-ҳаёдан, каттани ҳурмату кичикни иззат қилишдан йироқ ҳолда ярим яланғоч юришдан, оила ва фарзандлар, демакки, юрт тақдирига бефарқ, лоқайд қараб, фақат ўзининг тор манфаатию шахсий ҳузур-ҳаловатини ўйлаб кун кечиришдан иборат бўлмаслиги лозим.

Ҳамма нарсага, жумладан, демократия ва маданиятга ҳам амалдаги кўринишига, ижросига қараб баҳо бермоқ мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ҳар бир миллат ва халқнинг ўз менталитети, урф-одати бор. Шу маънода халқимизнинг ўзлигини, ўз қиёфасини, расм-русумини бошқа миллатларга хос одатлар билан қориштириб юбориш мумкин эмас. Қизил империя давридаги "совет кишилари бора-бора ўзаро бирлашиб кетади, ягона халқ вужудга келади" деган тушунчаю ғояларнинг нақадар асоссиз ва бемаъни экани аллақачон исботлаб бўлинган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, хотин-қизларга муносабатда ҳам халқимизнинг ўз анъаналари мавжуд. Бизнинг ота-боболаримиз аёлларни юксак эъзозлаган, асраб-авайлаган. Ўша анъаналарга содиқ қолган ҳолда бугунги замон талаблари даражасида эҳтиром, иззат-икром кўрсатмоқдамиз аёлларимизга. Уларни иш билан таъминлашда ҳам масаланинг ана шу жиҳатлари инобатга олинмоқда.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи алоҳида эътиборда турибди. Муҳими, амалий иш қилинмоқда. Бу жойларда кичик корхоналар очиш, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликни кенг йўлга қўйиш орқали амалга оширилаётир. Албатта, бу борада ечилмаган муаммолар кўп. Ҳар қандай муаммони бир-икки кунда ҳал қилиш қийин. Энг асосийси, ана шу муаммоларни ечиш, бартараф этиш йўлларининг мавжудлиги ва улар изчил амалга оширилаётганлигидир. Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси ва Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган кенгашдаги нутқида баён қилинган вазифалар бошқа соҳалар қатори бу борада ҳам дастуруламал бўлмоқда.

Ҳа, аёлни эъзозлаш, қадрлаш халқимизнинг азалий одатларидан биридир. Бугун ана шу эзгу анъаналаримиз янгича мазмун-моҳият билан тўлдирилмоқда, бойитилмоқда. Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида аёлларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзларининг ҳақиқий ўрни ва мавқеига эга бўлаётир. Зотан, аёл бор экан, ҳаёт бор, аёл бор экан, ҳаёт сермазмун, гўзал ва завқли. Буни ҳар бир миллатдошимиз, ватандошимиз яхши англайди, тушунади, ўз фаолиятида бунга амал қилади.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (ЎзА).

Иш қуроли соз бўлса, ишнинг унуми ҳам, сифати ҳам юқори бўлади. Буни тўғри англаган Учқўрғондаги "Қўғайтаъмирлаш" акциядорлик жамияти ишчилари экиш мавсуми учун барча техника воситаларини тахт қилиб қўйдилар. Шунингдек, корхонада техника воситалари учун бутловчи қисмлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўтган йили жамият ишчилари 38,4 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар, 8,2 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқардилар.

Ишни тадбиркорлик билан ташкил этган корхона жамоаси жорий йилда бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни режалаштирган. Шу мақсадда корхонада янги қуйма цех ишга туширилиши мўлжалланаётир.

СУРАТДА: корхона ишчиси Неъматжон Шаҳобиддинов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ишчи гуруҳ йиғилиши

Республика Савдо-саноат палатасида фискал сиёсатини такомиллаштириш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш хусусида сўз борди. Шу билан бирга, гуруҳ аъзоларининг янги таҳрирдаги Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш, уларни умумлаштириш юзасидан аниқ иш режаси белгилаб олинди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Газ ўғрилари

Истеъмолчиларнинг эътироф этишича, бу йил, айниқса, қиш-қировли кунларда газ таъминоти Андижон вилоятида аввалги йиллардагига қараганда бирмунча дуруст бўлди. Хусусан, вилоятда бу борадаги ишларни яхшилашга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кейинги бир йилнинг ўзида «Андижонгаз» корхонаси жамоаси вилоят ҳокимлиги ҳамда «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг амалий ёрдамида 30 километрдан ортиқ газ қувурларини созлади. Бу юмушларга 1 миллиард 750 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, Андижондаги «Улуғбек» мавзеида 4,6 километрлик, Боғишамолдаги газ тақсимлаш шохобчасидан шаҳарнинг Фурқат кўчасигача 4 км.дан ортиқ газ қувурлари тортилди. Шаҳрихон, Балиқчи, Бўз, Олтинкўл туманларида ҳам катта ишларга қўл урилди. Андижон туманида эса АГРС қурилиши ниҳоясига етди.

Бугунги кунда вилоят бўйича 320.500 дан зиёд хонадон табиатнинг шу бебаҳо бойлигидан баҳраманд бўлмоқда. Уларнинг эҳтиёжини қондириш учун бир кеча-кундузда салкам саккиз миллион куб метр миқдорида газ етказиб берилмоқда.

Вилоятда табиий газнинг адолатли тақсимланиши учун, энг аввало, хонадонларга газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатишга эътибор қаратилаётганини таъкидламоқ керак. Ҳозиргача 237.838 хонадон шундай жиҳозлар билан таъминланди.

Афсуски, шунчалик саъй-ҳаракатларга қарамай, айрим кимсалар ғирромлик йўлидан бориб, ғайриқонуний ишларга қўл урмоқдалар. Аҳолининг фойдаланилган газ учун қарздорлиги 9 миллиард сўмга яқинлашиб қолган экан, бунда уларнинг ҳиссаси ортиқ бўлса ортиққи, кам эмас.

Келинг, мисолларга мурожаат қилайлик. Оловни ёқиб, тўловига келганда, бўйни ёр бермаётган 45.731 хонадон аниқланиб, газ тармоғи узиб қўйилди. 2 миллиард 814 миллион сўмдан ортиқ маблағни ундириш юзасидан фуқаролик суди идораларига тақдимнома киритилди. 22 та улгуржи истеъмолчидан 522 миллион сўм қарзни ундириш юзасидан ҳам фуқаролик судларига даъво аризалари юборилди.

Бундан ташқари, ўтган йили 964 та ноқонуний истеъмолчи 1.245,1 минг куб метр газни ўзбошимчалик билан ёқиб, 36 миллион 415 минг сўмдан ортиқ зарар келтиргани аниқланди.

Айниқса, айрим шаҳар ва туман газ ташкилотларидаги масъулларнинг хизмат вазифасини суиистеъмол этаётганликлари, олғирлар тегирмонига сув қуяётганлиги ғоят ачинарлидир. Масалан, вилоят прокуратураси ва унинг жойлардаги маҳкамалари томонидан ўтказилган текширишларда шу нарса ойдинлашдики, «Андижонгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси раҳбарияти ўз жамоасини малакали, ҳалол-пок мутахассислар билан мустаҳкамлашга етарли эътибор қаратмаяпти. Акс ҳолда, тизим мансабдорлари, масъулларидан саккиз нафарининг устидан жиноий иш қўзғатилмаган бўлур эди.

«Бўзтумангаз» раҳбари Ғ. Абдуллаев, ҳисобчи И. Йўлдошев, ғазначи Х. Раҳмоновлардан иборат уюшган гуруҳ 348 миллион сўмдан зиёд муддати ўтган қарзларни ундириш чораларини кўриш ўрнига, салкам ярим миллион сўмлик иш ҳақини ўзлаштириб юборганлар. Раҳбарнингки, қўли тоза бўлмадими, ўша жамоада бошбошдоқлик, қонунбузарлик, суиистеъмоллик сингари иллатлар илдиз отаверади. Бу ерда ҳам айнан шундай бўлди. Ю. Шодмонов номли ширкат хўжалигининг сутчилик фермаси маъмурий биносида оиласи билан яшаб келаётган Абдупатто Умаров ҳеч кимнинг рухсатисиз ўрта босимли газ қувуридан газ олиб, ҳатто унинг ёрдамида сутни қайта ишловчи «6-4 ГХУ» агрегатини ҳам ишга туширади. Туман газ бўлими бошлиғи Раимжон Сулаймонов бу ҳолатга ўз муносабатини билдириш ўрнига, унга «Тўлов дафтарчаси» очиб беради. Бироқ дафтарча туман газ идораси рўйхатига киритилмади. Натижада 122.882 сўм миқдоридаги зарар бевосита Р. Сулаймонов раҳнамолигида содир этилди.

«Хўжаободгаз» чиланғари И. Тоштемиров эса 36 нафар мижоздан йиғилган 680 минг сўм миқдоридаги тўловларни ғазнага киритилмасдан, ўзлаштириб юборади.

Кейинги пайтда Андижон шаҳрида ҳам «газ ўғрилари» кўпайгандан кўпаймоқда. Мисол учун, ўтган йил бошида 297 нафар истеъмолчи 417 минг 800 куб метр ҳажмдаги газдан ноқонуний фойдаланганлиги ва 11.482.561 сўм миқдорида зарар келтиргани аниқланган бўлса, йил охирида қиғир йўлни ўзига эп кўрганлар сони 330 нафарга етди. «Боғишамол» даҳасининг «Баркамол» кўчасидаги хонадонларда яшовчи М. Жалилов ишлаб чиқариш цехи очиб 132.743 сўм, унинг қўшниси О. Қирғизов колбаса цехи ташкил этиб 155.610 сўм, Отабеков кўчасида ошхона очган К. Турсунов 119.407 сўм, Обид кўчаси, 208-уйда истиқомат қилувчи Ш. Мусабеков эса 149.083 сўмлик газдан ноқонуний фойдаланганлар. Бу — бир ойнинг ўзида 27 минг куб метрга яқин газнинг бошига сув қуйилди, дегани.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Юқоридаги салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига «Андижонгаз»да меҳнат интизомининг сусайтириб юборилгани, назоратсизлик, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишдаги уқувсизлик ва ниҳоят, қўнимсизлик омил бўлаётир, албатта. «Булоқбошитумангаз» билан «Асакатумангаз»да кейинги тўрт йил ичида беш марта раҳбар алмашгани, «Хўжаободтумангаз» билан «Шаҳрихонтумангаз»да ҳар йили бошлиқларни янгилаш одат тусига киргани бунинг далилидир.

Шу ўринда табиатни муҳофаза қилиш вилоят бўлими, хусусан, мазкур ташкилотнинг Эркин Музаффаров раҳбарлик қилаётган атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш инспекциясига айтар сўзимиз бор. Нега улар нафс қулига айланганларнинг атроф-муҳитга катта зиён келтираётганини кўра-била туриб, кескин чоралар кўрмаяпти? Ўтган йили бор-йўғи икки ҳолат бўйича текшириш ўтказилганини нима билан изоҳлаш мумкин?

— Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатисиз ҳеч нима қилолмаймиз, — елкасини қисди инспекция раҳбари. — Хонадонларга кириб, текшириш ўтказишга умуман ҳаққимиз йўқ.

Унда шаҳарнинг қоқ ўртасида, аҳоли зич маҳаллаларда хуфиёна оҳак пишираётган, машина бўёғини қуритаётган, ўз ҳовли-жойларида ҳаммомлар очиб олганларни ким ва қайси ташкилот тартибга чақиради?!

Бебаҳо неъматлар сирасига кирувчи газ ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган. Унинг тафти қалбларимизни илитмоқда, бекалар мушкулини осонлаштиряпти, фарзандларимиз қувончига-қувонч қўшаётир. Шундай экан, барчани ўз ҳароратидан баҳраманд этаётган ана шу бойликка ғирромлик, ўғирликларни аралаштириб бўлмайди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАДАНИЯТ хабарлари

Устозни ёд айлаб

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабда адиб Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Кеча аввалида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ёзувчи ҳақида ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни хотирлаб, адиб асарлари минг йиллар давомида ўзбек халқи билан бирга яшашини таъкидлади. Халқимизнинг ардоқли шоирлари, адабиётшунослар иштирок этган ушбу тадбир сўнггида тумандаги 33 та умумтаълим мактаби ўқувчиларининг Ойбек ҳаёти ва ижодига бағишланган деворий газета ва ижодий ишлари намойиши бўлди. Энг яхши ижодий иш муаллифларига "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қимматбаҳо совғалар берилди.

Халқ амалий санъати кўргазмаси

Пойтахтимиздаги Бадиий академия Кўргазмалар залида халқ амалий санъати усталари ва ёш ҳунармандларнинг республика кўргазмаси очилди.

Унда Чуст пичоқлари, Бухоро сўзаналари, Марғилон дўппилари, Хоразм гиламлари ва бошқа бир қатор санъат асарлари ўрин олган. Кўргазмада мамлакатимизда фаолият юритаётган Ҳунармандлар уюшмалари билан бир қаторда Марҳамат Бўрибоева, Лола Умарова сингари кўплаб хусусий тадбиркорлар ҳам иштирок этишаётир.

Кўргазма республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳунармандлар уюшмаси, "Усто" ижодий ишлаб чиқариш уюшмаси томонидан ташкил этилган.

"Гаштак"чилар ғолиб

Жиззахда фольклор жамоалари ва халқ ҳунармандларининг вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоят туманларидан келган оқинлар, бахши-шоирлар ўз қўшиқлари, айтишувлари билан ўзаро беллашдилар.

Нуфузли ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра, Баллаоролнинг "Гаштак" этнографик жамоаси биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Жиззах туманининг "Зебомхон" жамоасига иккинчи ўрин насиб этди.

Кўрик-танловда юқори натижага эришган арнасойлик бахши-шоир Ўнғар Ўрозбоев шу йил май ойида Термиз шаҳрида ўтказиладиган республика фестивалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса, дўстликлик Абди Эгамов "Бойсун баҳори" да иштирок этадиган бўлди.

Қизлар байрами

Ўзбек-япон марказида Кунчиқар мамлакатнинг миллий байрамларидан бири — "Қизлар байрами" бўлиб ўтди.

Байрамга Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси рафиқаси Юкико Кусумота хоним мезбонлик қилди. Кусумота хоним байрам қатнашчиларига япон халқининг қадимий ва гўзал байрами, ўлмас анъаналари ҳақида гапириб берди.

Сизга соғлиқ тилаймиз

Сурхондарё вилояти туманларида "Сизга соғлиқ тилаймиз" деб номланган мусиқий дастур намойиш этилмоқда.

Дастур доирасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик ва диний ақидапарастликнинг оғир оқибатлари, соғлом турмуш тарзининг афзалликларидан ҳикоя қилувчи саҳна асарлари, кўргазмали машғулотлар ҳам ёшлар эътиборига ҳавола этилаётир.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаси, "Қўғирчоқ" театри ва вилоят телерадиокомпанияси ушбу дастур ташкилотчилари бўлишди.

Кутубхоналар нурхона бўлсин

Урганчда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг кутубхоналари ишини яхшилаш, уларнинг ўқувчиларга хизмат кўрсатишини юқори даражага кўтариш, ёшларни кутубхоналарга оммавий равишда жалб этиш масалаларига бағишланган ҳудудий ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ЎМКҲТ тизими раҳбарлари, кутубхона мудирлари иштирок этдилар.

Семинар ишида кутубхоналарни малакали кадрлар билан таъминлашнинг аҳволи, янги технологиялар асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш каби масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, тадбирда ўқув муассасаларида ишлаётган ахборот марказлари фаолияти ҳам таҳлил этилди.

Хабарларни "Халқ сўзи" мухбири М.ХОЛМАТОВА ва ЎзДЖТУ талабаси Қобил ХИДИРОВ тайёрлашди.

Мустақил мамлакатимиз тараққиёт йўлидан собит бормоқда. Бу йўлдаги илк ғалабаларимиздан бири — мамлакатимиз иқтисодиётида янги тармоқ — автомобиль саноатининг яратилиши бўлди.

Ислом КАРИМОВ.





Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг харидорлари сони йил сайин кўпаймоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Чунки бу Ўзбекистонда автомобиль саноати ривожланаётганлигидан ва ватандошларимизнинг моддий фаровонлик даражаси ортиб бораётганлигидан далолат беради. Шу муносабат билан республикамизда автомобилларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан боғлиқ масалалар юртимиз аҳолисида катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти истеъмолчилар билан ўзаро очиқ муносабатларда бўлишга интилади. Яъни, автозавод раҳбарлари ва мутахассислари, «ЎзДЭУавто» дилерлик корхоналарининг вакиллари шу мақсадда оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқиб туришади.

Ислоҳот ва самара

ИСТИҚБОЛ БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Бугунги кунда мамлакатимиз автомобиль ишлаб чиқарувчиси ва республикамиз аҳолиси ўртасида очиқ мулоқот йўлга қўйилган, деб баралла айтиш мумкин. Газеталар таҳририятлари ва Ўзбекистон телевидениесига «ЎзДЭУавто» АЖ ва унинг дилерлик тармоғи фаолияти ҳақида ҳикоя қилишни, автомобилларни харид қилишга доир масалалар бўйича изоҳлар беришни ва бу билан боғлиқ барча янгиликлар ҳақида хабардор қилишни сўраб кўплаб хатлар келмоқда. Бугун биз муштарийларга нафақат улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишларига, балки автомобиль ишлаб чиқаришнинг мураккаб механизми тўғрисида яхшироқ тушунчага эга бўлишларига ёрдам беришга уриниб кўрамиз.

ИККИ ҚАДАМ ОЛДИНДА

Мамлакатимизда юз бераётган иқтисодий ўзгаришлар шуни кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиёти режалаштиришдан умуман ҳоли бўлишни англатмайди. Албатта, уни бозор механизмини ҳаракатга келтирувчи талаб ва таклиф шакллантиради. Аммо бугун ишлаб чиқарувчи у ёки бу товарга бўлган талаб эртага қандай бўлишини башорат қилмаса, ҳаракатларнинг аниқ режасини танлаб олмаса, у ҳолда унинг маҳсулоти ушбу бозорнинг бир четида қолиб кетиши мумкин. Бутун дунёда йирик компаниялар маркетингга катта аҳамият беришлари бежиз эмас. Негаки, у бизнес-режалар ишлаб чиқишнинг асосини ташкил этади.

Автомобиль саноати эса шундай тармоққки, у режалаштириш масаласида ҳамиша бошқа тармоқлардан икки қадам олдинда юриши керак. Чунки автомобиллар ишлаб чиқаришнинг мураккаб жараёнида юзлаб ва ҳатто минглаб турли бутловчи ва эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи корхоналар иштирок этади. Улар баъзан бутун жаҳон бўйлаб тарқалган ва ҳатто, турли қитъаларда жойлашган бўлиши ҳам мумкин. Умумий технологик тизимнинг таркибий қисми сифатида улар ҳам ўзи учун хомашё ва материаллар етказиб берувчиларининг имкониятларини чамалаб, ўзларининг ишлаб чиқариш дастурларини олдиндан режалаштиришлари лозим. Шунинг учун бизнес-режаларни шакллантиришда автомобиль ишлаб чиқарувчи нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатларни ҳам ҳисобга олиши зарур. Сабаби, ишлаб чиқариш жараёнининг асосий иштирокчилари — бу эртанги кунга ишонч билан назар солувчи кишилардир.

Барча автомобиль компаниялари сингари «ЎзДЭУавто» учун ҳам бизнес-режани тўғри шакллантириш ва бутловчи қисмларни ўз вақтида харид қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу жараёнга етказиб берувчилар ҳам жалб этилганлиги сабабли, мамлакатимиз автомобиль ишлаб чиқарувчиси ўз фаолиятини қисқа муддатли даврга эмас, балки бир неча йил истиқболга мўлжаллаб режалаштиради.

Маълумки, «ЎзДЭУавто» учун бутловчи деталларнинг асосий қисми «Женерал Моторс-ДЭУавто энд Технолоژи (GM-DAT)» компанияси томонидан Жанубий Кореядан келтирилади. Ўз навбатида, бу компания «Женерал Моторс» корпорациясининг умумий стратегияси доирасида фаолият кўрсатади. Ушбу стратегия бўйича қатъий режалаштиришнинг энг кам муддати камида 5 йил қилиб белгиланган. Яъни, 2005 йилда 90-100 мингта автомобиль ишлаб чиқаришга эришиш режаси 2000 йилдаёқ тузилган бўлиши керак эди. Бугунги кунда эса 2009 йилгача шакллантирилган бизнес-режада 2008 йилда янги маррани забт этиш — бир йилда 180 мингтагача автомобиль ишлаб чиқаришга эришиш режалаштирилмоқда.

Етказиб берувчи, ишлаб чиқарувчи ва дилерлик тармоғи ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшироқ тушуниш учун унинг асосий босқичларини изоҳлаб ўтайлик.

Ҳамма иш одатда машиналар етказиб бериш учун ички ва ташқи дилерлар томонидан ишлаб чиқарувчига бериладиган талабномадан бошланади. Унда автомобилларнинг модели, модификацияси, опцияси ва ҳатто ранги, шунингдек, дилер сотишни режалаштираётган автомобиллар сони кўрсатилади. Буларнинг барчаси дилер томонидан ўтказиладиган маркетинг тадқиқотлари асосида аниқланади. Ушбу талабнома асосида «ЎзДЭУавто» томонидан дастлабки буюртма шакллантирилиб, бош етказиб берувчига юборилади. Бош етказиб берувчи, ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, буюртмани тасдиқлаши лозим. Сўнгра «ЎзДЭУавто» унга қатъий буюртмани юборади. Шу буюртма асосида аккредитив очилиб, Жанубий Кореядаги корхонада бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш бошланади. Шундан сўнг бутловчи қисмларни ташиб келтириш, улар учун тўловларни киритиш ва ҳар бир машина учун дилерлардан 10 фоизли тўловни олдиндан олиш босқичлари амалга оширилади. Ва, ниҳоят, «ЎзДЭУавто»да автомобилларни ишлаб чиқариш жараёни бошланади. Автомобиллар якуний харидорга сотилгунга қадар дилерлар улар қийматининг қолган 90 фоизини тўлаши керак, шундан сўнг ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини юборишга киришади.

Шундай қилиб, автомобилларни ишлаб чиқариш ва сотишдек мураккаб жараёндаги муваффақият ўзаро муносабатларнинг ҳар бир режалаштирилган босқичида унинг иштирокчилари қанчалик тўғри, аниқ ва узлуксиз ишлашига боғлиқ.

АСОСИЙ БЎҒИН — СОТУВЧИМИ?

«Агар кимдир менинг автомобилимни сотиб олишдан бош тортса, бунда фақат ўзим айбдорман», — деган эди XX асрнинг буюк бизнесмени Генри Форд. Сабаби аён: ҳар қандай компаниянинг муваффақиятга эришиши учун у бозор конъюнктурасини аниқ билиши ва сотувларни холисона башорат қилиши зарурлигини жуда яхши англаб етган эди. Дилер ёки, бошқача айтганда, сотувчи — харидор талабини ўрганиш жараёнидаги асосий бўғин ҳисобланади.

Дилерлик корхоналари ўз «буюртмалар портфели»ни аниқ шакллантириши ва мажбуриятларини аниқ бажариши қанчалик муҳим эканлигини «ЎзДЭУавто» да яхши тушунишади. Масалан, дилер истеъмол талабини ўрганишга етарлича эътибор қаратмасдан, талаб этилмаган моделлар ҳамда модификацияларга буюртма берди ёки ўз имкониятига ортиқча баҳо бериб, буюртма қилинган машиналарни сота олмай қолди, дейлик. Бунинг натижасида, биринчи навбатда, унинг ўзи зарар кўради, чунки унинг даромади сотилган автомобилларнинг сонига боғлиқ. Сотувларнинг паст кўрсаткичлари ишлаб чиқарувчига ҳам таъсир кўрсатади. Негаки, бутловчи қисмларни харид қилиш учун йўналтириладиган айланма маблағлар «музлатиб қўйилиши» мумкин. Бугунги кунда бизнес-режага асосан ҳар ойда «ЎзДЭУавто» томонидан 8-10 мингта автомобиль ишлаб чиқарилишини ҳисобга олсак, бу маблағлар ойига 50-70 миллион АҚШ долларини ташкил қилади.

Биласиз, «Ўзинг ўтирган дарахт ...шохига болта урма» деган нақл бор. Аммо бу нақл замирида катта маъно ётганлигини ҳамма ҳам тушунавермас экан. Бир мисол. 2004 йилнинг февраль ойида «ЎзДЭУавто» тизимидаги барча дилер корхоналарнинг фаолияти комплекс текширувдан ўтказилган эди. Унда республикамизнинг деярли барча назорат қилувчи органлари: прокуратура, ИИВ, Давлат солиқ қўмитаси ва монополияга қарши курашувчи идоралар иштирок этди. Ушбу текширув натижасида айрим дилер корхоналар томонидан автомобилларни сотиш қоидаларининг бузилишига йўл қўйилганлиги ҳоллари аниқланди. Бу қоидабузарликлар асосан харидорлар томонидан харид қилинган автомобиллар қийматини тўлашда баъзи банк муассасалари томонидан ноқонуний банк операцияларининг амалга оширилганлиги билан боғлиқ. Натижада «ЎзДЭУавто» АЖ ўз номига доғ туширган бир қатор дилер корхоналар билан ҳамкорликни тўхтатишга мажбур бўлди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги автомобилларни сотиш қоидаларига амал қилинишини янада қатъий назорат қилиш мақсадида дилерлик тармоғи деярли икки марта қисқартирилди. Йил бошида ички бозорда 65 та дилер корхона фаолият кўрсатган бўлса, учинчи чоракда уларнинг сони 35 тани ташкил қилди. Табиийки, дилерлик тизимининг бундай қисқариши кўзланган сотув ҳажмини амалга ошириш билан боғлиқ жиддий хавф-хатарни келтириб чиқарди. Лекин амалиёт бу хавф-хатарлар ўзини оқламаганлигини кўрсатди. Ички бозорда қолган дилер корхоналар ўз ишини шундай даражада ташкил қилдиларки, пировардида сотув суръатларининг сақланиб қолинишига ва 2004 йилга мўлжалланган вазифаларнинг бажарилишига эришилди.

Харидор томонидан машина учун олдиндан 10 фоиз миқдорида тўловни киритишга тааллуқли масалага алоҳида тўхталиб ўтишни истардик. Гап шундаки, 2003 йил якунига қадар дилер корхонага автомобилларни етказиб беришни режалаштириш улар ўтган даврларда эришган натижаларни инобатга олган ҳолда, яъни дилер қанча пул маблағини ўтказиб, харидорларга қанча автомобиль сотганлигига қараб амалга оширилар эди. Автомобилларнинг бундай тақсимланиши, бир томондан, ўзининг ижобий томонларига эга: дилернинг потенциал имкониятлари ва унинг зарур маблағларни топиш қобилияти аниқланарди. Бироқ бу тизимнинг салбий томони шундан иборатки, у муайян харидорнинг эҳтиёжи билан боғлиқ эмас, яъни мазкур минтақанинг реал талабларини ва харид қобилиятини акс эттирмасди. Мижоз автомобилни амалдаги дилерда айни дамда мавжуд бўлган автомобиллар ичидан танлашига тўғри келарди. Шу муносабат билан ҳар бир харидорнинг талабини қондириш имкониятига эга бўлиш ва холисона маркетинг тадқиқотини ўтказиш мақсадида ўзаро муносабатларнинг компания учун янги бўлган "ишлаб чиқарувчи — дилер — мижоз" схемасини амалда синаб кўришга қарор қилинди. Энди дилер харидордан у харид қилмоқчи бўлган машинанинг модели, модификацияси, ранги ва ҳоказолари ҳақида тўлиқ ахборотни, шунингдек, ушбу автомобиль қийматининг бир қисмини олиши керак. Табиийки, буюртмаларни умумлаштириш ва ишлаб чиқарувчидан "буюртмалар портфели"ни шакллантириш учун маълум бир вақт талаб этилади. Шунинг учун автомобилни кейинги ой ичида етказиб бериш шарти билан мижоздан унинг қийматининг 10 фоизи олдиндан олинади. Айрим харидорларга бу айни дамда етмай турган маблағни йиғиб олиш имконини беради. Дилер, ўз навбатида, мазкур автомобилнинг сотилиши учун маълум бир кафолатга, ишлаб чиқарувчи эса, бутловчи қисмлар учун тўловларни амалга ошириш учун қўшимча молиявий тушумга эга бўлади.

Бугунги кунда 2005 йилда сотувлар ҳажмининг оширилишини таъминлаш учун дилерлик тармоғининг ишини ташкил қилишга доир янгича ёндашувларни жорий этиш зарур. Мижозларни жалб этишда республикамиз банклари катта роль ўйнаши мумкин. Масалан, улар томонидан мижозлар учун қулай бўлган шартларда автомобилларни харид қилиш учун кредитлар бериш масаласи ҳал этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

КРЕДИТДАН КРЕДИТНИНГ ФАРҚИ БОР

Эсингизда бўлса, 2003 йил май ойидан бошлаб "ЎзДЭУавто" АЖ томонидан республика банклари билан биргаликда автомобилларни кредитга сотиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада анъанавий тарзда сотувлар ҳажми пасаядиган май ойидан август ойигача бўлган даврда кўрсаткичлар анча юқори бўлаётир.

Ўша вақтда автомобилларни харид қилиш учун аҳолига кредит беришда 14 тагина банк иштирок этганди. Бугунги кунда уларнинг сони ўттизтага етди. Автомобиль харидорларини кредитлашда «Асака» банки, айниқса, етакчи ҳисобланади: у кредитлар бўйича сотилган барча машиналар сотуви ҳажмининг деярли ярмига кредит бериб келмоқда.

Бироқ минтақалар бўйича автомобиллар сотувининг таҳлили шуни кўрсатдики, баъзи вилоятларда дилерлар ва банкларнинг қониқарсиз ишлаши туфайли ушбу минтақанинг потенциал имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Хусусан, Қашқадарё, Наманган ва бошқа айрим вилоятларда автомобилларни сотиш суръатлари аҳолиси кам бўлган бошқа минтақалардан бир неча марта ортда қолмоқда (жадвалга қаранг).

Эътибор бердингизми, сотувлар ҳажмида бундай фарқнинг юзага келишига ушбу вилоятлар аҳолиси ўз эътиборларини қўшни вилоятларга қаратгани сабаб бўлган. Нима учун? Гап шундаки, у ерда (қўшни вилоятларда) банклар ва дилер корхоналарнинг иши яхши йўлга қўйилган. Пировардида айрим минтақалар ўзларининг потенциал харидорларини йўқотган бўлсалар, айни пайтда бошқа минтақалар "бегона" харидорларга эга бўлмоқдалар. Натижада номутаносиблик юзага келиб, бу ҳам муайян минтақада нақд пулларнинг умумий айланишига таъсир кўрсатади. Бундай номутаносиблик бошқа айрим вилоятларда ҳам кузатилмоқда.

Бугунги кунда харидорларни жалб қилишда кредитлаш шароитлари ва минтақаларда у ёки бу банк филиалларининг мавжудлиги даражаси ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Ўз навбатида, "ЎзДЭУавто" АЖ кредитлаш тизими мослашувчан ва такомиллашган бўлишидан манфаатдор. Айтайлик, банклар автомобилни харид қилишдаги дастлабки бадал миқдорини камайтириши, истеъмол кредитининг фоиз ставкасини пасайтириши, кредит муддатини эса, узайтириши мақсадга мувофиқдир.

Республика банклари автомобилларни кредитга олувчи мижозлар учун қулай шартларда кредитлар беришини рағбатлантириш мақсадида "ЎзДЭУавто" тижорат банклари ўртасида танлов эълон қилганидан хабардорсиз, албатта. 2005 йилнинг биринчи ярмида ажратилган кредитлар ҳажми бўйича совринли (биринчидан учинчигача бўлган) ўринларни эгаллаган банклар "ЎзДЭУавто" томонидан пул мукофотлари билан рағбатлантирилади. Танловнинг соврин фонди 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ташкил этади.

Кўриб турганингиздек, эътиборга лойиқ ишлар қилинмоқда. Лекин республика тижорат банклари ҳозирча мазкур танловда иштирок этиш юзасидан истак билдиришга шошилмаяпти...

ХАРИДОР ИШОНЧИ

"ЎзДЭУавто" учун бу жуда зарур. Шунинг учун корхона раҳбарияти республика аҳолисини қизиқтирувчи барча саволларга тўғри ва очиқча жавоб беришга ҳаракат қилган ҳолда, ўзининг реал ва потенциал истеъмолчилари билан очиқ мулоқот юритишга интилади.

Ватандошларимизнинг кўпчилиги "ЎзДЭУавто" ташқи бозорга қанча миқдорда автомобиль етказиб беришини ва у ерда ўз мавқеини қанчалик муваффақият билан сақлаб келаётганлигини билишни истайди.

Таъкидлаш жоизки, автомобилларимизни ташқи бозорга етказиб бериш ҳажмлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2004 йилда чет элга 35.659 та автомобиль етказиб берилди. Агар ўтган йили "ЎзДЭУавто" АЖда жами 70.070 та автомобиль ишлаб чиқарилганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда экспорт ҳажми унинг 50 фоизидан кўпроғини ташкил қилгани, яъни бу кўрсаткич 2003 йилдагига қараганда 2,1 марта ўсгани аён бўлади. 2005 йилда эса "ЎзДЭУавто" АЖ 57 мингта автомобилни экспортга чиқаришни режалаштирмоқда.

Ташқи бозордаги кучли рақобатга қарамасдан (масалан, Россия Федерациясининг пойтахтида жаҳоннинг деярли барча етакчи автомобиль ишлаб чиқарувчилари мавжуд), "ЎзДЭУавто" АЖ маҳсулот нархи ва сифатини оптимал мувофиқлаштириш ҳисобига ўз мавқеини ушлаб туришга эришмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «Nexia» ва «Matiz» автомобиллари бир неча йиллардан буён Россияда хорижий автомобиллар сотувининг ҳажми бўйича етакчи ўринни эгаллаётганлигининг ўзи биз ушбу бозорни эгаллашга йўналтирилган тўғри стратегия ва тактикани танлаганимиздан далолат бериб турибди. Яқин ва узоқ хорижнинг бошқа мамлакатлари ҳам "ЎзДЭУавто" машиналарига катта қизиқиш билдирмоқда. Ҳозирда автомобилларимиз Қозоғистон, Украина, Молдова ва Афғонистонга ҳам етказиб берилаяпти.

Республикамиз аҳолиси автомобилларнинг ички бозорда сотилиш қоидалари билан ҳам қизиқмоқда. Гап шундаки, айрим ишонувчан харидорлар кўпинча "ЎзДЭУавто" АЖ дилерлари автосалонларининг атрофида айланиб юрувчи айрим фирибгарларнинг қармоғига илиниб, дилерларнинг ва умуман мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган автомобиллар савдосининг ҳалоллигига шубҳа билан қарайдилар. Масалан, ноинсоф кишилар потенциал харидорни кўриб, кўпинча маълум бир сумма эвазига автомобиль харид қилишни тезлаштиришни таклиф этади ёки айни пайтда вақтинча сотувда мавжуд бўлмаган исталган ранг ва модификациядаги моделни келтириб беришни ваъда қилади. Ваҳоланки, расмий дилернинг автосалонидан етказиб бериладиган машиналар миқдори, уларни сотиш қоидалари, кредитлаш шартлари ва ҳоказолар ҳақида тўлиқ ахборотни олиш мумкин. Республикамиздаги деярли барча автосалонларда ташкил этилган харидорлар учун махсус стендлар эса эндиликда ҳар бир ташриф буюрувчига автомобилни олиш учун ўз навбатини кутиб турган ва кредит ҳисоб рақамини очиб, дастлабки бадални тўлаган харидорлар рўйхати билан танишиш имконини беради. Бу ерда, шунингдек, жорий ойда автомобилларнинг қанақа модели ва модификацияси келтирилиши ҳақидаги ахборот ҳам акс этган. Бу кимдир товарни умумий асосларда эмас, балки яширинча олаяпти деган, дилернинг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган кўнгилсиз гаплар учрашининг олдини олмоқда. Ана шу стендлар харидорлар билан қайта алоқани йўлга қўйиш имконини ҳам бермоқда. Улар ўз таклифларини киритиши, фикр-мулоҳазалар билдириши, ишлаб чиқарувчи ва дилернинг ишига ёзма равишда баҳо бериши мумкин. "ЎзДЭУавто" АЖ да ишлаб чиқариладиган машиналарнинг барча ранглари тўпламини намоён этувчи намуналар эса, истеъмолчига танлаш учун кенг имкониятлар эшигини очади.

"ЎзДЭУавто" АЖ, шунингдек, шубҳали "воситачи"га дуч келган фуқароларни бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёки ҳар бир дилер автосалонида мавжуд бўлган "Ишонч телефонлари" орқали хабар қилишга ҳамда автомобилни олишдек қимматбаҳо харидни амалга оширишда сергакроқ бўлишга чақиради. Шу муносабат билан мамлакатимиз автомобиль ишлаб чиқарувчиси республика оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини ўтган даврда минтақалар бўйича автомобиллар савдосининг кўрсаткичлари, шунингдек, кейинги ой учун сотув ресурслари ҳақида ҳар ойда хабардор қилишни режалаштирмоқда.

"ЎзДЭУавто" ўз номи, обрўси ва харидорлар ишончи билан доимо фахрланиб келган ва бундан кейин ҳам фахрланади. Чунки буларсиз кўзланган мақсадлар сари олға интилиш мумкин эмас.

Елена КУЗНЕЦОВА.
Виктория БОЦ олган суратлар.

2004-2005 йилларда ички бозорда автомобиллар сотувининг ҳажми ҳақида маълумот

№	Ўзбекистон Республикасининг минтақалари	Ўзбекистон аҳолисининг сони		2004 йилда сотилган автомобиллар ҳажми			Аҳоли сонига қайта ҳисоблаб чиқилганда шартли равишда сотилмай қолган автомобиллар ҳажми	2005 йилда автомобилларни сотиш режаси				
		минг киши	салмоғи (%)	бирлик	салмоғи (%)	Чакана нархларда (млн. сўм)		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак	ЖАМИ
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 562,9	6,1	988	2,8	8 571,7	1 128	322	290	451	380	1 444
2	Андижон вилояти	2 316,2	9,0	4 533	13,0	39 327,3		1 479	1 330	2 071	1 744	6 624
3	Бухоро вилояти	1 493,1	5,8	3 079	8,8	26 712,7		1 005	903	1 407	1 185	4 500
4	Жиззах вилояти	1 036,5	4,0	713	2,0	6 185,8	691	233	209	326	274	1 042
5	Қашқадарё вилояти	2 339,3	9,1	1 213	3,5	10 523,7	1 955	396	356	554	467	1 773
6	Навоий вилояти	807,3	3,1	1 364	3,9	11 833,8		445	400	623	525	1 993
7	Наманган вилояти	2 047,1	7,9	1 084	3,1	9 404,5	1 688	354	318	495	417	1 584
8	Самарқанд вилояти	2 833,6	11,0	1 021	2,9	8 858,0	2 816	333	300	466	393	1 492
9	Сурхондарё вилояти	1 868,0	7,2	1 159	3,3	10 055,2	1 371	378	340	530	446	1 694
10	Сирдарё вилояти	672,2	2,6	433	1,2	3 756,6	477	141	127	198	167	633
11	Тошкент вилояти	2 443,3	9,5	1 701	4,9	14 757,5	1 608	555	499	777	654	2 486
12	Фарғона вилояти	2 810,4	10,9	2 038	5,8	17 681,2	1 768	665	598	931	784	2 978
13	Хоразм вилояти	1 412,9	5,5	827	2,4	7 174,9	1 086	270	243	378	318	1 209
14	Тошкент шаҳри	2 153,6	8,3	14 780	42,3	128 228,0		4 823	4 337	6 753	5 686	21 599
	ЖАМИ	25 796,4	100,0	34 933	100,0	303 071,0	14 588	11 400	10 250	15 960	13 440	51 050

Халқ ўйинлари

Ҳамма замонларда ҳам халқ байрам ва шодиёна кунларда хурсандчиликлари ва орзу-ҳаваларини ўйинлар, орқали ифодалаганлар. Халқ ўйинларини маданият, маънавият, маърифат, мафкура, фольклор ва этнографиядан айри ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Ўтмишда, хусусан, шўро замонида мустамлакачилик сиёсатини юргизиш асносида шу удумларга қарши олиб борилган шафқатсиз ҳужумлар амалда миллатга ва унинг руҳини синдиришга қаратилган эди.
Айнан истиқлолгина бизга халқимиз ўйинларини ўрганиш, уларни замон талабларига мос равишда қайта тиклаб давом эттириш ва янгиларини жорий этиш имконини берди. Адабиётшунос Маҳмуд САТТОРОВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда.

Кўпкари ва кураш

— Аввало, халқ ўйинларининг пайдо бўлишига бир назар ташлаб ўтсак.

— Ўзбек халқи удумлари ва ўйинлари кўплиги жиҳатидан дунё халқлари орасида олдинги ўринларда туради. Уларнинг энг қадимийлари ўтроқ ҳаётнинг дастлабки пайтларига тўғри келса, айримлари зардуштийлик даври, шунингдек, Марказий Осиёга ислом дини кириб келиши билан боғлиқ равишда шаклланган. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўйинлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Аксинча, маълум бир эҳтиёж ва зарурат туфайли яратилган. Археологик қазилмаларда топилган осори-атиқалар, қадимги қўлёзмалар, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ ижоди намуналари фикримизнинг яққол исботидир. Бундан ташқари, Шарқ мутафаккирлари Форобий, Маҳмуд Қошғарий, Навоий, Бобур ва Огаҳийларнинг асарларида ҳам халқ ўйинлари хусусида қимматли маълумотлар келтирилган. Ҳаттоки қадим Ғарб тарихчи олимлари Геродот, Страбон, ўтган асрларда Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган сайёҳлар Ибн Батута, Клавихо ва Ҳ.Вамберилар ҳам ўз хотираларида бу ҳақда ёзиб қолдиришган.

— "Алпомиш" достонида қаҳрамоннинг дўсти Қоражон тушган пойга-кўпкари тасвири бор. Очиғи, бугунги кунда кўпчилигимиз кўпкари деганда умумий бир ҳолат — отлар чопишини кўз олдимизга келтирамиз, холос. Шу тўғримикан?

— Кўпкари (яна битта номи улоқ) ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва тожик халқларининг барчаси учун бирдай қадрдон. Ота-боболаримиз ғўдакликдан болалик фаслига кирган фарзандларининг қўлини ҳалоллаш, бўй етган қизларини узатиш, ўғилларини уйлантириш тўйларида халққа ош бериб, кўпкари баҳси томошаларини уюштиришган.

Кўпкари чавандозлик ва чавандозлар баҳси бўлиб, от устида оммавий мусобақа шартларини бажариб, ғолиблик учун олиб бориладиган кураш жангидир. Унда сўйилган улоқ (эчки боласи) танаси тўй-мусобақа ҳакамлари томонидан ўртага ташланиб, кураш шартлари у билан боғлиқ ҳолда бажарилади. Ўйин ўртага ташланган улоқни олишдан бошланади. Улоқ танасини тақимга (чавандоз сони билан арғумоқ сағриси орасига) қисиб, майдонни гир айлантирганча белгиланган манзилга биринчи бўлиб келтириб ташлаган

чавандоз ютган ҳисобланади. Уни ҳакам олдигача бошқа чавандоз дўстлари қуршаб, рақиблардан ҳимоя қилиб борадилар.

Кўпкарида от эгаси пойгада қатнашиши ҳам, қатнашмаслиги ҳам мумкин. Кекса чавандозлар турли сабабларга кўра улоққа тушолмасликлари боис, "ақлли", "тажрибали" отларини ёшларга "кира"га берадилар. Дарҳақиқат, кўпкарида чопадиган отни қандай бақиш, тарбиялаш, совитиш анъанавий меросга айланиб қолган.

Афсуски, кейинги йилларда унинг жуғрофий ҳудудлари торайиб кетди. Бунинг бир сабаби дунёга машҳур бўлган араби, қорабайир каби эотли отларнинг бутунлай камайиб бораётганлигидадир. Бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида республикамизнинг айрим вилоят ва туманларида от боқиш хўжаликлари ташкил этилди. Шунингдек, шахсий хўжаликда от боқиш, кўпайтириш ва парваришлаш ҳам йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунгача Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларининг қатор туманларида кўпкари ўйини сақланиб қолган. Арғумоқлар, суворийлар ва улоқчилик мактаблари қайта тикланмоқда. Демакки, кўпкари ўзининг янги ҳаётини бошламоқда.

— Халқ ўйинларидан яна бири кураш-дир. Курашни биз ҳозирда спорт тури сифатида қайд этамиз. Шунинг баробарида у миллатнинг фахрига айланиб бораётир.

— Узоқ ўтмишда нафақат эркаклар, балки хотин-қизлар ҳам кураш тушишган. Оила қуриш шартларига кўра, бўлғуси келин, аввало, ўз тенгдошларидан учтўрттасини кўпчиликнинг гувоҳлигида ҳалол енгиши талаб этилган. Бу жараён душман лашкарлари билан жанг пайтига тўғри келиб қолса, қиз улардан беш-олтитасини ўлдириб, калласини онабошига келтириб кўрсатган. Шундан кейингина бир ёстиққа бош қўядиган йигити билан беллашган. Курашда у билан тенг келсагина оила қуриш ҳуқуқига эга бўлган. Бу ҳолатлар табиий танланишдан келиб чиққан бўлиб, соғлом турмуш тарзи учун қудратли оилада, ҳам жисман, ҳам маънан баркамол фарзандлар туғилишига замин яратган. Улар Ватан ҳимоясида собит турганлар, босқинчиларга қарши озодлик курашларида бош бўлганлар. XIX асрда Намоз ботир деганда, зир титраган чор генерал-губернаторлари унинг бошига бир қоп олтинни гаровга қўйишган.

Полвонлар кураши икки тоифага бўлинади. Булар Фарғонача ва Бухороча кураш шаклларидир. Ҳар иккиси ўзига хос жиҳатлари билан бир-биридан кескин фарқланади. Мазкур фарқланиш кураш шартлари, полвонларнинг кийиниши, ҳудудий бўлиниш ва аҳолининг табиати, руҳиятию удумлари билан боғлиқ. Фарғонача курашда полвонлар тўн кийиб, белбоғ боғлаб, бир-бирларининг белларидан иккала қўл билан ушлаган ҳолда мусобақалашадилар. Рақиблар нисбатан куч ишлатиб, полвон оёғини тўшакдан узиб, сўнг ҳоҳлаган томонга йиқитишлари мумкин. Бу усулда чалиш, қайириш, ёнбошга олиш, елкадан ва бошдан ошириш усуллари тақиқланади. Рақиблар олишув давомида қўлларини қўйиб юборишлари мумкин эмас.

Бухороча курашда эса полвонлар калта тўн билан, белбоғ боғлаб курашадилар. Чалиш, қайириш, елкадан ошириб отиш каби усулларни қўллашга рухсат берилади. Рақибининг курагини бир зум ерга теккизиб турган полвон ғолиб саналади.

Кейинги йилларда таомилга кирган ўзбекча кураш усулининг жаҳон спорт турларидан бирига айланиб, миллий атамаларимизнинг таржимасиз истифода этилиши ҳар биримиз учун фахрдир.

Биз тилга олган кўпкари ва кураш халқнинг аҳиллигини, қувончли айёмларни биргаликда нишонлаш азалий удум бўлганлигини кўрсатади. Бундай халқ ўйинлари яқинлашиб келаётган Наврўз тантаналари учун ҳам хосдир. Айни пайтда бундай умумхалқ шодиёналари тинч, осойишта элга ярашади. Келинг, она юртимиз замини шундай байрамларга бой, осмонимиз мусаффо бўлаверсин!

"Халқ сўзи" мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Акциядорлик тижорат «Тадбиркорбанк»и акциядорлари диққатига !

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ТАДБИРКОРБАНК»И

Кенгаши йиғилишининг қарорига мувофиқ, АТ «Тадбиркорбанк»нинг 2004 йилдаги фаолияти якунлари бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2005 йил 16 апрелда бўлишини маълум қиламиз. Банк акциядорларининг реестри 2005 йил 16 март ҳолатига ёпилади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 173-28-12, 173-05-79.
АТ «Тадбиркорбанк» манзили: Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй.

Кузатув кенгаши.

Жиноят жазосиз қолмайди

ХАЗОН ТОПГАН... ЁШЛИК

Ёмон бўлди. Форишнинг Нурак қишлоғида рўй берган фожиа эшитган одамнинг баданини жунжиктирди. Эндигина 19 ёшга тўлган бўйдоқ йигит Санжар Зулфиқоров тоғаси билан бирга яшаётган Гавҳарнинг жонига қасд қилди. Қотил икки кун ўтмасдан қўлга олинди. Айбига иқрор бўлди. Суд ҳукмига кўра, у 17 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Эсиз, айни эзгу ишлар қилиши мумкин бўлган ёшда ўн етти йилга кесилса... Нега шундай бўлди? Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган йигитнинг кўнглида шундай ёвуз ният қачон пайдо бўлди-ю, нега буни ҳеч ким пайқамади? Лоқайдлик, бепарволик жамиятга қимматга тушишини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти-ку!

...Санжар мактабни битиргандан кейин бирор ишнинг бошидан тутмади. Кўчама-кўча сайр қилиб юрди, турли зўравонликлар ҳақида ҳикоя қилувчи жангари фильмлар унинг эрмаги эди. Тоғаси Илёс уни уйига олиб кетди. «Юр, жиян, ҳеч бўлмаса, рўзғор ишларимга қарашасан», — деди.

Ўша куни шу атрофда яшовчи Саидқул ака ҳашар қилди. Санжар ҳам борди. Ҳашардан сўнг тоғасиникига келди. Доимий ётадиган хонага кирса, тоғаси билан никоҳсиз яшаётган Гавҳар жой солиб ётибди. Яқинда ана шу Гавҳар Санжарнинг холаси Юлдуз билан жанжаллашганини эшитгандай бўлувди. «Тоғам ҳам қизиқ, нега шу аёлни ўзига тенг кўради» деган фикр хаёлидан ўтди.

— Қани, менинг жойимни бўшатиб қўйсинлар-чи? — деди Санжар Гавҳарга.

— Нега энди, бу уйнинг бекаси менман!

Бу гап Санжарнинг жаҳлини чиқарди.

Холаси Юлдузнинг олдига борди. Хонаси эгалланганини айтди.

— Сен шу уйда ёта қол, — деди Юлдуз.

— Нега энди, мен унга жой беришим керак, айтинг, бу ёққа чиқсин.

Санжар шундай дея дераза рахига ўтирди. Холанинг кўзи уйқуга кетди.

Орадан қанча вақт ўтганлиги ёлғиз Яратганга маълум. Санжар Гавҳар ётган хонадаги жавондан ошпичоқни олди-да, «Қани, бу ердан чиқ» дея янгасига даф қилди. Гавҳар беписандлик билан:

— Бор ишингни қил, бу ерда мен хўжайин, — деди ва Санжарнинг қўлидаги пичоқни тортиб олди.

Йигит қуюшқондан чиқиб бўлганди. Жавондан бошқа пичоқни олиб, Гавҳарни қонга ботирди. Шовқиндан Юлдуз уйғониб, жиянини тартибга чақирди. У Санжарга маҳкам ёпишганда, Гавҳар ҳовлига отилди. Қотил унинг изидан бориб, пичоқ санчишда давом этди. Кейин маълум бўлишича, пичоқ тиғи 16 жойга санчилган экан. Санжар бу билан ҳам кифоя қилмай, сўнгги нуқтани болта билан қўйди. Жон талвасасида ётган Гавҳарнинг бўйнини ошхонада турган болта билан чопди. Ҳаммаси тугади — Гавҳарнинг жони ҳам, Санжарнинг ваҳшийлиги ҳам. Нима қилиб қўйганлигини англаган қотил тоққа қараб югурди. Гўё тоғ унинг гуноҳини яширадигандай. Қочиб қаёққа ҳам борасан?! Ахир ўз виждонингдан қочиб қутулолмайсан-ку...

Бу фожиа кўпларнинг кўнглига афсус-надомат туйғусини жойлади. Кимдир Гавҳарнинг хазон бўлган умрига ачинса, яна бировлар Санжарнинг бой берган ёшлигига раҳми келди. Ахир ачиниш, раҳм қилиш инсонга хос. Одам боласи юрагидаги меҳр туйғулари билан табиатнинг бошқа жонзотлари ичида ажралиб туради. Қай ҳолатда меҳр чекинса, унинг ўрнини қаҳр, шафқатсизлик эгаллайди. Меҳр эса ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг энг муҳим шарти — инсонларнинг бир-бирларига эътибори, қайғуриши, бефарқ бўлмаслигидадир. Яшашнинг бу қоидасини ҳеч қачон унутмайлик.

Дилшод ЎРАЛОВ, жиноят ишлари бўйича Фориш тумани судининг раиси.

Йигламоқчимисиз? Барга киринг

Хитойнинг Цзянцу музофотида йиғловчилар учун бар очилди. Бир соатча мазза қилиб кўз ёши қилиб олиш учун 6 АҚШ доллари тўласангиз кифоя. «Яхши кайфият» деб номланган бу барда барча шароит муҳайё: диван, стол ва стуллар, ёш чиқарадиган саримсоқ, мурч аралашмаси ҳамда ...бир қанча стаканлар. «Ичидаги аламли ҳиссиётларини тўлиқ чиқариб ташлаш учун мижозларимиз кўпроқ стакан синдиришни маъқул кўришади. Шу боис улардан заҳира қилишга тўғри келади», — дейди бар эгаси Ло Цзюнь.

Телефонда олти соат

Британиялик хоним маҳаллий пенсия бошқармасига қўнғироқ қилди. Гўшакни кўтарган навбатчи ҳозир ҳамма бандлигини айтиб, бироз кутишни маслаҳат берди. 54 ёшли аёл ўзига керакли одам телефон трубкасини кўтаришини олти соат кутди.

Бир кунда миллионер бўлди

Автомобилларнинг пуллик тўхташ жойи қоровули Хуан Родригес лотереядан 149 миллион доллар ютиб олди. У 1982 йилда Колумбиядан Нью-Йоркка кўчиб келган, шундан буён қоровуллик қилар эди. Ҳозир Родригес бундай катта бойликни нима қилишни билмай ҳайрон. У бу пулни энди қай тарзда — бирданига ёки қисмларга бўлиб олишни ҳал этиши керак.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЛИНОЛЕУМЛАРНИ
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.
Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.
Телефон 134-48-11.

Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси.
Товар сертификатланган

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация) и
ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»
предлагают к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.
Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну сум. Цены действительны по 31.03.2005 г.

ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:

ДУ 15х2,8 мм	944000	ДУ 40х3,0 мм	934000
ДУ 20х2,8 мм	944000	ДУ 50х3,0 мм	934000
ДУ 25х3,2 мм	944000	ДУ 100х4,0-5,0 мм	994000
ДУ 32х3,2 мм	934000		

ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:

76х2,8-4,5 мм	994000	114х3,0-6,0 мм	994000
89х5,0 мм	994000	159х5,0-6,0 мм	1199000
108х3,0-4,5 мм	994000		

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):
- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиха».
Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси депутат Д. А. Ниязовага отаси
Абдиқодир НИЯЗОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси жамоаси Қашқадарё вилояти «Шаҳрисабз» фирмаси бош директори
Неъмат Файзуллаевич ИСМОИЛОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқурилишматериалсавдо» МЧЖ бошқаруви жамоаси «Комфорт» фирма дўкони собиқ директори
Лутфулла ҳожи БОБОХЎЖАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ижроия девони жамоаси «Комфорт» фирма дўкони собиқ директори
Лутфулла ҳожи БОБОХЎЖАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ҳусан Насимовга умр йўлдоши
Малоҳат АҲАДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Тошкент труба заводи" қўшма корхонаси жамоаси Шаҳрисабз консерва заводи раҳбари
Неъмат Файзуллаевич ИСМОИЛОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига, яқинларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи жамоаси техника фанлари номзоди, доцент
Шуҳрат Зоҳиджонович МУРОТОВнинг
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинлари ва ҳамкасбларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маҳраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.30 Топширилди — 21.35 12345